

ТЕРМИЗ ШАХРИ ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ

Н.А.Эсанов – ўқитувчи

Термиз давлат университети

М.К.Холмуратова – ўқитувчи

Термиз давлат университети академик лицейи

Таянч сўзлар: Сурхондарё, туризм, маданий мерос, Ҳаким-ат-Термизий, Термиз Саидлари, Кокилдор ота, буддавийлик, Зўрмола, Қоратепа, Фаёзтепа, ҳайвонот боғи.

Ключевые слова: Сурхандарья, туризм, культурное наследие, Хаким-ат-Термизи, Саиды Термеза, Кокилдар ата, буддизм, Зурмола, Каратепа, Файозтепа, зоопарк.

Key words: Surkhandarya, tourism, cultural heritage, Hakim-at-Termizi, Saids of Termez, Kokildar ata, Buddhism, Zurmola, Karatepa, Fayoztepa, zoo.

Бугунги кунда шаҳар тараққиётида туризм соҳаси алоҳида ўринга эга бўлиб бормокда. Шў сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 27 майдаги 332-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида туризм инфраструктурасини ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди [1]. Термиз шаҳри ва унга бевосита яқин ҳудудларда Буддавийлик динининг йирик тарихий маконлари “Зўрмола”, ислом дини тараққиётида ҳадисшунослик илмининг йирик намоёниси Ҳаким-ат-Термизий зиёратгоҳи, “Термиз Саидлари” қабристон ансамбли, “Кокилдор ота” мажмуаси жойлашганлиги ички ва халқаро туризмни, хусусан, диний туризмни ривожлантиришга кенг имконият яратди [10: 22].

Термиз шаҳрида 1012 ўринли 19 та меҳмонхона, 749 ўринли 27 та оилавий меҳмон уйлари, 89 ўринли 3 та хостел, 33 та туроператор, 520 ўринли 15 та санаториялар, 1 та гастрономик туризм объектлари, 35 та санитария-гигиена шахобчалари, 3 та йўл кўрсаткичлар, 3 та туристик ахборот марказлари, 1 та маданий мерос объектлари, 1 та маданий кўнгилочар масканлар, музейлар, театрлар, эко-масканлар, хунарамандлар устaxonалари фаолият кўрсатмокда.

Шўнингдек, Термиз шаҳрида хунарамандчилик йўналишида “Сурхон ипағи” бренд маркази ташкил этилди. “Сурхон ипағи” туризм дастури ишлаб чиқилиб, ҳорийий туристлар учун маҳсув “Сурхон ипағи” туризм дастурлари йўлга қўйилиши, туристларни ишлаб чиқариш жараёнлари билан таништириш, ипак музейларига ташрифларни уюштириш йўлга қўйилди. 2023 йилда 6,8 га майдонга эга бўлган “Япон боғи” ҳамда ҳудудидан 652,0 м² бўлган меҳмонхона, майдони 4801,0 м² кенгликдаги қўл ҳамда 10 та савдо нуқталари қурилиши режалаштирилган. Туристларни ўзига жалб қилувчи омилардан яна бири бў тарихий мероснинг ажралмас қисми бўлган қадимий меъморий обидалар умумбашарий қадриятлар ҳисобланади [14: 12].

Айни пайтда улар шў ерда яшаган халқларнинг маданияти, тарихи ва дунё тамаддунига қўшган ҳиссасидан гувоҳлик беради. Ҳозирги пайтда тарихий обидаларни асраб қолиш ҳамда ҳудудларнинг ривожланишида фойдаланиш умуминсоний муаммо сифатида қаралмокда [12: 38]. Термиз шаҳри ҳудудида 2021 йилда “Султон Саодат” ёдгорликлар мажмуаси, “Кокилдор ота” ва “Қирқ қиз” қаби маданий мерос ёдгорликларини реставрация қилиш мақсадида инвестиция дастурларига тўширилди. Жўмладан, ҳўкумат қарорига мувофиқ “Султон Саодат” мажмуасини қайта реконструкция қилиш, масжид, маиший хизмат шохобчалари, қўтўбхона қўриш, зиёратгоҳни Термиз аэропорти ва Ҳаким Термизий мажмуаси билан боғловчи янги йўлларнинг қурилиши амалга оширилмокда [1]. Термиз шаҳрида жойлашган Султон Саодат зиёратгоҳи Термиз сайидлари хонадонининг X-XVII асрлар давомида қурилган макбараларидан иборат бўлган ўзига хос меъморий мажмуадир. Унинг номи Султон Саодат, араб тилидан

таржима қилинганда – “бахтлилар сўлтони” демақдир [3: 10-11]. Термиз шаҳрида жойлашган бў зиёратгоҳ X-XVII асрлар давомида шаклланган макбараларни ўз ичига олган. Унда Термиз сайидлар сўлоласининг макбаралари жойлашган. Халқ орасида Сўлтон Саодат мажмуи номи билан машҳўр бўлган макбаралар X асрда, қолганлари, асосан, XV-XVII асрларда ёнма-ён қурилган бўлиб, ўзўн ховлининг 2 томонини эгаллаган. Макбаралар пешток ва гўмбазли чорси хоналар (9х9,05 м ва 10, 15х 10,25 м) дан иборат.

Қирққиз қалъаси - Термиз шаҳридаги меъморий ёдгорлик (IX-X асрлар). Нима мақсадда қурилганлиги (қалъа, сарой, хонақоҳ, қарвонсарой) ҳақида маълўмот йўқ. Ўрта асрларда Термиз шаҳрининг ташқарисида жойлашганлиги қалъа шаҳар ташқарисидаги қўрғон вазифасини ўтаганлигини кўрсатади. Шаҳарда туризмнинг ривожланишида транспорт омилининг аҳамиятини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли бўлган бўлар эди. 2022 йил 26 декабрь куни “Термиз” халқаро аэропорти реконструкциядан сўнг яна ишга тўширилди. Қайта қуриш доирасида узўнлиги 3000 метр ва эни 60 метр бўлган янги учиш-қўниш йўлаги, юриш йўлаклари ва учта самолёт тўхташ жойи учун перронни ўз ичига олган, янги 4Е тоифали аэродром мажмуаси қурилди. Шўнингдек, аэродромга замонавий CAT-I ICAO ёритиш ускуналари тизими, метеорологик ва радионавигация қўниш тизимлари ўрнатилди. Янги аэродром мажмуасини қуриш лойиҳаси 550 миллиард сўмга баҳоланган ва айни пайтда 377 миллиард сўмлик ишлар бажарилган. Лойиҳанинг якуний босқичи — учта самолёт турар жойи ва иккинчи юриш йўлаги 2023 йилнинг апрелигача якунланиши режалаштирилган.

Аэропорт терминали ҳам реконструкция қилиниб, 2019 йилда фойдаланишга топширилган. Аэропортга Япония, Корея Республикаси, Хитой, Ҳиндистон, Тўркия, Индонезия ва Европа давлатларидан авиақатновларини йўлга қўйиш бўйича таклиф киритилган. Шўнингдек, Термиз-Самарқанд, Термиз-Бўхоро ва Термиз-Фарғона йўналишларида мавсумий авиақатновларини ташкил этиш йўлга қўйилади. Айни шў ташриф давомида Шавкат Мирзиёев Термиздаги Султон Саодат мажмуасини зиёрат қилди. Мажмуа ҳудудини археологик ўрганиш асосида уни ободонлаштириш, Имом Бўхорий, Имом Термизий макбараларидек катта ва гўзал зиёратгоҳга айлантириш бўйича кўрсатмалар берди [11]. Улар асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 майдаги 332-сонли қарорига кўра “Султон Саодат” мажмуасини қайта реконструкция қилиш, 1000 ўринли масжид, маиший хизмат, қўшхона, кичик марказ, қўтўбхона қўриш, зиёратгоҳни Термиз халқаро аэропорти ва Ҳаким Термизий зиёратгоҳлари билан боғловчи янги йўлларни қурилиши” бўйича ишлар амалга оширилмокда [1]. Давлатимиз томонидан туризмни ривожлантириш бўйича тасдиқланган мақсадли дастурга кўра, ҳозир Сурхондарё вилоятида ўн олти тарихий-маданий ёдгорлик мўкамал таъмирланибди. Уларнинг ўнга яқини айнан Термиз шаҳри ва шаҳар атрофида жойлашган. Қоратепа, Қирққиз, Қокилдорота, Султон Саодат, Зурмола, Фаёзтепа, Қампиртепа ва бошқа ноёб

архитектура иншоотларининг асл киёфасини тиклаш бўйича чора-тадбирлар олиб борилмоқда [4: 1-15].

“Қоратепа” ва “Фаёзтепа” ёдгорликларини муҳофаза қилиш, ҳудудини ободонлаштириш, инфратузилмасини такомиллаштириш ва сайёҳлар ташриф бўюрадиган масканга айлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Мазкур ёдгорликлар археология туризмининг ривожлантириш марказларига айлантирилди. Қелгусида “Ал-Ҳаким Термизий” мажмуаси атрофини “Ўрта асрлар шаҳарчаси” га айлантириш, Термиз шаҳридаги “Бахт” боғи ҳудудида “Япон боғи” ва “Като Кюдзо” мемориал музейини барпо этиш кўзда тутилган [5: 5-17].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 29 августдаги ПК-3245-сон қарори билан “Хавфсиз шаҳар” ягона аппарат-дастурий мажмуасини яратиш бўйича босқичма-босқич чора-тадбирлар дастури тасдиқланди [2]. “Хавфсиз шаҳар” концепцияси доирасида вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамда Термиз шаҳар ИИБ ФМБ да хизматга жалб этилган куч ва воситаларни марказлашган ҳолда бошқариш имконини берувчи “Вазиятлар маркази” ташкил этилган, шаҳарнинг ягона геоинформацион харитаси яратилган, ушбу тизимга 24 та чорраҳадаги 80 дона замонавий рақамли видеокузатув камералари тўғридан-тўғри ўланган. Термиз шаҳрида 10 та “Тезкор чақирув тугмалари” (SOS) ўрнатилган [6].

Термиз шаҳрининг туризм нуқтаи-назаридан ривожланишида музейларнинг алоҳида ўрни бор. Жумладан, Марказий Осиёда ягона археология соҳасига ихтисослашган, 2002 йилдан бундан фаолият кўрсатаётган Термиз археология музейи бугун дунёдан туристларни жалб этиш имкониятини беради, унинг фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Ўтган даврда музей фондлари кенг қўламли илмий-тадқиқот ишлари натижасида ўн баробар кенгайиб, ҳозирги кунда 80 мингдан ортиқ экспонатларни ўзида жамлаган. Улардан 624 таси жаҳон аҳамиятидаги нодир асори атиқалардир.

Термиз музейлари Япония, Жанубий Корея, Франция, Германия, Чехия, Испания, Озарбайжон ва Россия илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. 2019 йилда Сўрхондарё вилояти Ўлкашўнослик музейи асосида Сўрхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг ташкил этилиши, унга янги бино берилиши шаҳарда музей ишининг ривожланишида катта қадам бўлди. 3 қаватли музей экспозицияси “Табиат”, “Археология ва тарих”, “Тасвирий санъат”, “Мустиқлик даври” ҳамда “Этнография” сингари 5 та бўлимдан иборат. Унинг фондида 16 та йўналишда 61 минг 325 та экспонат мавжуд бўлиб, шундан, 3150 та экспонат нўёб ашё ва коллекциялар сирасига киради [15]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 майдаги 443-сон қарори билан музей негизига “Термиз” давлат музейи-қўриқхонаси ташкил этилиб, Сўрхондарё вилоятидаги маданий мерос объектлари унинг тасарруфига ўтказилган.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сўрхондарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 27.05.2020. № 332.
2. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги ПК-3245-сон қарори билан “хавфсиз шаҳар” ягона аппарат-дастурий мажмуасини яратиш бўйича босқичма-босқич чора-тадбирлар дастури”. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2018 й., 09/18/343/1203-сон.
3. Аскарлов А. Қадимги шаҳар маданияти// Бактрия-Тоҳаристон қадимда ва ўрта асрларда. -Самарқанд: 1993, 10-11-б.
4. Termiz shahar hokimligi arxivi. Termiz shahar hokimligi boshqaruvi. Yig'ma jild № 01-15. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi topshiriqlari. 2019 - yil dekabr.
5. Termiz shahar hokimligi arxivi. Shahar hokimligining Bola huquqlarini himoya qilish sho'bası mudiri Yig'ma jild № 05-17. Viloyat va shahar hokimining qarorlari va bajarilishining borishi haqidagi hujjatlar. 2020 - yil dekabr.
6. Termiz shahar hokimligi arxivi. Shahar hokimining Yoshlar siyosati, ijtimoiy rivojlantirish va ma'naviy-ma'rifiy ishlar, turizm va sportni rivojlantirish masalalari bo'yicha majmuasi. Yig'ma jild № 05 -24. Ommaviy tadbirlar o'tkazilishini nazorat qilish shahar komissiyasining hujjatlari.
7. Surkandarya. Über die Jahrtausende Schmelztiegel der Kulturen im südlichen Usbekistan (www.wostok.de).

Марказий Осиёда ягона. 103 минг 952 та экспонатларга эга бўлган Термиз археология музейи, 61430 та тарихий экспонатлари бўлган Ўлкашўнослик музейи. Ўзбекистондаги Термиз хайвонот боғининг ҳамда бир қатор тарихий объектларнинг мавжудлиги Термиз шаҳрига ички ва ташқи туристларни кенг жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда республикада мавжуд учта хайвонот боғининг бири Термиз шаҳрида жойлашган бўлиб у ўз даврида жуда машҳур бўлган деб айта оламиз. 1934 йилда ташкил этилган Термиз хайвонот боғининг умумий майдони 13 гектардан иборат бўлиб, унда ҳозир 127 турдаги 791 бош нўёб жонзотлар парвариш қилинмоқда [13]. Бугунги кунга қадар маъмурий ва хўжалик биноларини реконструкция қилиш, бу ерда сақланаётган хайвонлар учун зарур шароитлар яратиш ва ободонлаштириш ишларига 26 миллиард сўмга яқин маблағ молиялаштирилган.

Термизнинг туризм имкониятларини тарғиб қилишда ҳам кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Масалан, Берлинда чоп этиладиган, немис тили мамлакатларда тарқатиладиган “Шарқ” журналининг Сўрхондарёга бағишланган. “Сўрхондарё Ўзбекистон жанубидаги маданиятлар сарчашмаси” деб номланган махсус сони нашр этилди [7]. Унда олимларимизнинг Сўрхондарё географияси, тарихи ва маданиятини, ўрф-одатларини, мустиқлик йилларида амалга оширилаётган ислохотларни ёритишга бағишланган мақолалари ҳам киритилган. Шўнингдек, 2015 йилда “Термиз тарихий маданий қадамжолари” харитаси уч тилда Германиялик ҳамкорлар билан тайёрлаб нашр этилди [8: 17].

2020-2021 йилларда бугун дунёда кузатилгани сингари юртимизда лавом этган қоронавирус пандемияси туризмнинг ҳолатига ва ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатди. Туризм соҳасида бундай оғир инкироз иккинчи жаҳон урушидан бери кузатилмаган.

Шўндай шароитга қарамадан, 2021йилда Термизга ташриф бўюрган сайёҳлар сони 504956 нафар, шўндан 85907 нафари чет давлатлардан келган ва 419649 нафари маҳаллий сайёҳларни ташкил этган (1-жадвал) [9].

1-жадвал

Термиз шаҳрига ташриф бўюрган сайёҳлар сони	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
	42171	42048	16485	504956
Шўндан				
хорижий туристлар сони	14051	13598	2717	85307
ички туристлар сони	28120	28450	13768	419649

Жадвал Сўрхондарё вилояти туризм бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Термиз келажакда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Транспорт вазирлиги ва Сўрхондарё вилояти ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган “Олтин учбурчак” лойиҳасининг марказига айланади.

8. Мирзаев Ж.З. “Термиз тарихий маданий кадамжолари”. –Тошкент: 2015.
9. Термиз шаҳрида 2021 йилда амалга оширилган ва 2022 йилда режалаштирилган ислохотлар юзасидан шаҳар ҳоқими И.Б.Худойбердиевнинг ахбороти.
10. Эрқаева Гулбаҳор Панжиевна Минтакалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг стратегик йўналишлари (Қашқадарё вилояти мисолида) и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Самарқанд: 2008.
11. “Сурхон тонги”. 2019 йил 9-апрель. №22(17525).
12. Новая программа развития городов. 71/256. Резолюция, принятая Генеральной Ассамблеей 23 декабря 2016 года. –С.38.
13. / «Халқ сўзи», 2022 йил 1-март. № 44. 3-6.
14. Тўраев Қ. “Ўзбекистонда диний туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-географик асослари” география фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. –Самарқанд: 2022. 12-6.
15. <https://uza.uz/uz/posts/muzey-yangi-binoda-ish-boshladi-29-10-2019>

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада Термиз шаҳрида туризмни ривожлантиришга асос бўлувчи баъзи бир меморий-археологик ёдгорликлар, маданий мерос объектларининг географияси, шаҳар туризм инфратузилмасининг бугунги кундаги ҳолати ҳақида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассказывается о некоторых мемориально-археологических памятниках города Термеза и географии объектов культурного наследия, а также о современном состоянии туристической инфраструктуры города, которые являются основой развития туризма в городе Термез.

SUMMARY. This article describes some of the memorial and archaeological monuments of the city of Termez and the geography of cultural heritage sites, as well as the current state of the tourist infrastructure of the city, which are the basis for the development of tourism in the city of Termez.

АМУДАРЁ ҲОЗИРГИ ДЕЛЬТАСИДАГИ СУҒОРИЛМАЙДИГАН ХУДУДЛАРНИНГ ТУПРОҚ ҚОПЛАМИ СТРУКТУРАСИ ВА УНИНГ ЧЎЛЛАШИШ ЖАРАЁНИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

О.Т.Жониев – докторант

Навоий давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: рельеф структураси, баландликлар ва пастликлар, тупроқ қопламининг структураси, рельеф пластикаси, гидроморф режими.

Ключевые слова: структура рельефа, возвышенности и понижения, строение почвенного покрова, пластичность рельефа, гидроморфный режим.

Key words: relief structure, heights and lows, soil cover structure, relief plasticity, hydromorphic regime.

Амударё ҳозирги дельтаси тупроқ қоплами структурасини ўрганиш жараёнида тупроқ турларининг пайдо бўлиши ва таракқиёт босқичига алоҳида аҳамият бериш керак бўлади. Шунинг учун ҳам бу саволларга аниқ жавоб бериш учун ландшафтларнинг геоморфологик ривожланиш жараёнини, геоморфологик ва тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларининг бир-бирига боғлиқлигини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Амударё ҳозирги дельтасидаги суғорилмайдиган жойларнинг тупроқ қоплами структураси рельеф билан боғланган ҳолда кичик дельталарнинг юқори қисмларидан то қуйи қисмларигача маълум бир қонуният асосида ўзгариб борадилар. Масалан, ўтлоқ-тақирли тўқай ва ўтлоқ-чўл тупроқлари қуриб қолган дарё ўзанлари атрофлари бўйлаб тарқалгандир. Сабаб, эски дарё ўзанларининг атрофлари асосан баландликлардан иборат бўлган ҳолда, у ерларда тарқалган тупроқ турларининг механик таркибида энгил ётқизиклар устунлик қилади. Бошқача сўз билан айтганда, бундай тупроқлар асосан рельефнинг “мустақил” яъни автоном шаклларида тарқалган бўладилар [3].

Ўтлоқ-тақирли тупроқлар Амударёнинг ҳозирги дельтасида учрайдиган асосий тупроқ турларидан бири бўлиб, улар ўтлоқ-тақирли тўқай ва ўтлоқ-чўл тупроқлари каби эски дарё ўзанларининг баланд қисмларида учраши билан бир қаторда ўзанлараро кенг пастлик жойларда ҳам учрайди. Ўтлоқ-тақирли тупроқларнинг бундай географик тарқалиши авваломбор дарё олиб келган ётқизикларнинг механик таркиблари билан боғлиқдир. Улар қумлоқлардан иборат бўлган баланд жойларда пайдо бўлиши билан биргаликда қумлоқлардан ва соғлардан иборат бўлган пастлик жойларда ҳам ҳосил бўладилар.

Шўртонбой, Эркіндарё ва Қозоқдарёларнинг эски қуриб қолган ўзанларида ўтлоқ-тақирли тўқай ва ўтлоқ-чўл тупроқлари тарқалган бўлиб, у ерларда тол, жузғун, жингил ўсимликлари ўсади. Ўсимликлар билан қопланганлик даражаси 80 % ни ташкил қилади. Бу тупроқларнинг механик таркибида қум, қумоқ ва энгил қумлоқлар устунлик қилади. Булардан кўриниб турибдики, тупроқларнинг механик таркиби рельеф,

ётқизикларнинг типлари ва тупроқ ҳосил бўлиш жараёнлари билан боғлиқдир [8].

Тупроқларнинг тарқалиш қонуниятлари авваломбор “дарахтсимон” шаклдаги ер юзи тузилишининг геологик тарихи, тупроқ ҳосил қилувчи жинсларнинг физик хусусиятлари, иқлим ва ҳоказолар билан боғлиқдир. Ана шу қонуниятларга биноан ўтлоқ-тақирли тупроқларнинг типик шўрхоқлар ва қолдиқ ботқоқликлар билан бўлган мажмуалари энг пастлик жойларда, олдинги қўлларнинг ва ботқоқликларнинг ўрнида ҳосил бўлган. Ўтлоқ-тақирли қолдиқ ботқоқ тупроқларнинг механик таркибларида қумлоқлар ва соғлар устунлик қилади. Бу далиллардан яна бир қарра кўриниб турибдики, тупроқ ва уларнинг механик таркиби ер юзи тузилишининг шакллари билан чамбарчас боғлиқдир. Машҳур рус тупроқшунос олими Н.М.Сибирцев шундай деган еди: “Тупроқларнинг доғлари ва тасмалари ҳаммадан кўра рельеф доғлари ва тасмалари билан биргаликда бўлишининг оқибатидир (моҳиятидир)” [2].

Кичик дельталарнинг қуйи қисмларида, хилма-хил йўналишдаги ер усти сув оқимларининг тўкнашган жойларида ва энг паст майдонларида ботқоқ-ўтлоқ, ўтлоқ ва шўрхоқлар тарқалгандир. Суғориладиган майдонларда ўтлоқ тупроқлари кўпчилик ҳолларда рельеф билан боғлиқ бўлмаган тақдирда тарқалган бўлса, суғорилмайдиган массивларда эса улар асосан паст жойларда тарқалган бўлади. Суғориладиган жойларда грунт сувларининг таркиби каналлар ва суғориладиган сувлар билан боғлангандир. Суғорилмайдиган жойларда эса асосан табиий жараёнлар, яъни ёғингарчилик пайтларида ер усти сув оқимларининг баланд жойлардан паст жойларга қараб ҳаракат қилиши устунлик қилади. Ўтлоқ тупроқларнинг механик таркиби бошқа тупроқлардан кескин фарқ қилган ҳолда, улар одатда кўп қатлам қатлам бўлади. Бошқача сўз билан айтганда, суғорилмайдиган майдонларда тарқалган ўтлоқ тупроқларининг механик таркибида соғлар ҳукмронлик қилса, суғориладиган жойларда тарқалган ўтлоқ тупроқларнинг механик таркиби рельеф билан боғланганлиги сабабли, улар хилма-хил механик таркибга эга.